

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСВИРЛАШ ВА АМАЛГА КИРИТИЛган

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

ЖУМЎА АЙТИЛган

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60310100 – Иқтисодиёт (озиқ-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Малака талаблари Олий таълим даражаси таълим стандартлари
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент -2022

ЎЗР ОУМТВ
Буйруқ № 302
" 9 " 9 2022 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурдаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил “29” 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил “9” 9 даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Тр	бет
1. 60310100- <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1. 60310100- <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 60310100- <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60310100- <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2. 60310100- <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари	4
1.2.3. 60310100- <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4. 60310100- <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари	5
2. 60310100 - <i>Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар	7
2.2. Касбий компетенциялар	7
Библиографик маълумотлар	9
Керишув варағи	10

1. 60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талабалар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) бакалавриат таълим йўналиши - фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги, озиқ овқат тармоқларининг ҳамда у билан боғлиқ аграр соҳанинг ресурс потенциалининг иқтисодий салоҳият ва вазифаларини ўрганадиган таълим йўналиши бўлиб, у озиқ овқат саноати ва у билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва минтақаларда макро-микроиқтисодий ривожланиш ва уни тартибга солиш механизми, истиқболни белгилашга, касбий кўникмага, мутахассислик қобилиятига ҳамда миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ва йўналишлари мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- иқтисодиётнинг озиқ овқат саноати ва у билан боғлиқ қишлоқ хўжалик корхоналари;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг иқтисодий фаолият жараёнини, бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарни бошқариш ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини таъминлаш;

- шунингдек, турли соҳалардаги бизнес-жараёнлар, бозорда юзага келган вазиятни баҳолаш, кенг қамровли тадбиркорликни ташкил этиш ва бошқариш, инновацион бошқарув ғояларини қишлоқ ва шаҳарларда амалга ошириш жараёнлари ҳам касбий фаолият объектлари ҳисобланади.

1.2.3. 60310100 - Иқтисодиёт (озиқ-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув фаолият;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолият;
- тадбиркорлик фаолият.

1.2.4. 60310100 - Иқтисодиёт (озиқ-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:

60310100 - Иқтисодиёт (озиқ-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси кўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- озиқ овқат корхоналари хўжалик молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режалари (дастурларини) ишлаб чиқиш;

- моддий, меҳнат ва молиявий харажатлар нормативини ишлаб чиқариш;

- хўжалик юритувчи субъект ва унинг буйруқлари фаолиятини иқтисодий таҳлил ҳамда ҳисоб-китоб қилиш;

- озиқ овқат саноатида меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жараёнларга янги техника ва технологияларни жорий этиш, соҳа бўйича рационализаторлик таклифлар ва ихтиролар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;

- хўжалик фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини олиб бориш услублари ва воситаларидан фойдаланиш;

- фаолият шартномаларини тузиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўплаш;

- ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятига оид тезкор ва статистик ҳисоботни олиб боришни ташкил этиш;

- ҳисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;

- озиқ овқат саноати корхоналари иқтисодий фаолиятини рационал ташкил этишда мамлакатимиз ва хорижий тажрибасини ўрганиш;

- ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш;

- ишлаб чиқаришни технологик асосларини билиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иқтисодий ҳисоб-китобларни ва хўжалик фаолияти таҳлилинини олиб боришда ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш норма ва қоидаларига амал қилиш;

- озиқ овқат саноати корхоналари фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

- озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни баҳолаш ва режалаштириш;

- озиқ овқат ишлаб чиқаришида замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- озиқ овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш;
- озиқ овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш жараёнларида иқтисодий ва молиявий фаолиятини бошқариш;
- Фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- озиқ овқат саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш;
- озиқ овқат тармоқларида инвестицион фаолиятини жадаллаштириш мақсадида лойиҳалар ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг иштиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш;
- озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари рақобат стратегияларини ишлаб чиқиш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- иқтисодиётнинг озиқ овқат саноатига оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- озиқ овқат ва у билан боғлиқ тармоқлар иқтисодий маълумотларини ҳамда уларнинг ресурс салоҳиятини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- озиқ овқат саноати корхоналари фаолиятини мулкчилик шаклидан қатъий назар халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- озиқ овқат саноати корхоналари кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;
- озиқ овқат саноатидаги тармоқ ва корхоналар молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- озиқ овқат, аграр ва атроф-муҳит иқтисодиётидаги ёки бизнес жараёнларини бошқаришдаги жараёнлар ва омилларнинг ўзаро муносабатларини таҳлил қилиш ва танқидий баҳолаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситаларидан фойдаланиш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- озиқ овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашиш;
- озиқ овқат саноати корхоналарига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни урганиш;
- озиқ овқат саноати корхоналаридаги ҳамда ресурс билан таъминлаш соҳасидаги муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60310100 - Иқтисодиёт (озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатини долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузулмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- стратегик ва операцион бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини қўллай билиш;
- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бухгалтерия сиёсати ва ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини шакллантиришда молиявий бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш уқувига эга бўлиш;

- бизнес жараёнларни моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кредит-модуль тизими, хизмат кўрсатиш, ижодий фикрлаш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

